



«Иймон Калиенс» номи билан танилган машхур сиёсатчи Литва пойтахти Ригада Куръони Карим маъноларининг литва тилида биринчи таржимаси нашр килинганини эълон килди.

«Куръони Карим хабарлари» интернет ахборот сайтининг хабар беришича, Калиенс бир неча йилдан бери Куърон маъноларини литва тилига таржима килиш устида ишлаётган эди. Жорий йилнинг 31 майи куни таржиманинг биринчи расмий нусхаси чоп этилди. Калиенс жаноблари газета мухбирлари билан бўлган сухбатда: «Литваликлар Ислом хакида тушунча хосил килишлари учун Куръонни ўрганишлари керак. Гарб олами ўзининг туткичларини ва халкининг таянчларини йўқотмоқда. Айти пайтда интеграциялашув ҳам жамиятдаги энг кийин муаммога айланган», дея таъкидлади.